

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги директори биринчи ўринбосари,  
Комиссия раиси



Д. Саиджонов

август 2022й.

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг энг яхши  
таклифларни танлаш комиссиясининг йиғилиш  
БАЁНИ № 1**

2022 йил “1” август

Тошкент ш.

**Раислик қилди:** Д.Саиджонов - “Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги директори биринчи ўринбосари, Комиссия раиси

**Қатнашдилар:** Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**“Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович  
Мирзиёевнинг фаолияти хроникаси” номли китобини нашрга тайёрлаш ва  
чоп этиш бўйича матбаа ташкилотини жалб этиш масаласини кўриб  
чиқиш.**

---

(Д.Саиджонов, Ғ.Бозоров, А.Акабиров, Ғ.Болиев, Ш.Урунов, Ж.Хусанов, А.Рахмонов,  
Д.Саиджонов)

Кун тартибидаги масала юзасидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари – Д.Саиджонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фаолияти хроникаси” номли китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш бўйича матбаа ташкилотини жалб этиш учун “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ харид ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги ва махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 19.07.2022 йил энг яхши таклифни танлаш тўғрисида эълон берилганлиги (22110012124808 -сонли лот), мазкур эълонга асосан иккита ташкилот иштирок этганлиги ва унда 26.07.2022 йил “O'ZBEKISTON NASHRIYOT MATBAA IJODIY UYI” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддасига асосан давлат харидларининг электрон тизимида шаклланган баённома икки иш куни мобайнида (27.07.2022 йилдан 29.07.2022 йилгача)

муҳокама учун турганлиги ва икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини маълум қилди.

Йиғилиш якуни бўйича комиссия аъзолари таклиф ва мулохазаларни инобатга олган ҳолда,

### ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Харид комиссияси ишчи органи (Қ.Джалилов, М.Мирҳосилов):

- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан энг яхши таклифни танлаш бўйича ғолиб деб топилган “O'ZBEKISTON NASHRIYOT MATBAA IJODIY UYI” МЧЖ билан шартнома тузсин ва имзолаш учун раҳбариятга киритсин;

- “O'ZBEKISTON NASHRIYOT MATBAA IJODIY UYI” МЧЖ билан имзоланган шартномани Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб ўтилган муддатда “ЎзРТХБ” АЖнинг махсус ахборот порталига жойлаштира син.

2. Бухгалтерия ҳисоби бўлими (Р.Ахмедов):

- имзоланган шартнома бўйича харидларни молиялаштириш масаласи юзасидан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрсин.

Йиғилиш котиби

М.Мирҳосилов

### ҚАТНАШДИЛАР:

#### Комиссия аъзолари:

Директор ўринбосари

Ғ.Бозоров

Режа-молия бўлими бошлиғи

А.Рахмонов

Матбуот хизмати бошлиғи

А.Акабиров

Лицензиялаш ва назорат бўлими бошлиғи

Ш.Урунов

Ўз хавфсизлиги хизмати бошлиғи

Ғ.Болиев

Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Ж.Хусанов

#### Ишчи орган:

Маъмурий хўжалик бўлими бошлиғи

Қ.Джалилов



**№124808 лот 22-189-сонли ШАРТНОМАСИ****Асарни чоп этиш ҳақида**

Тошкент шаҳар

2022 йил 8 август

"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ ("O'zbekiston" НМИУ МЧЖ), бундан буён матнда "Бажарувчи" деб номланувчи номидан 2022 йил 24 июндаги 01/13-535-сонли Ишончнома асосида иш юритувчи, директорнинг биринчи ўринбосари Камбаров Бехзод Абдуваситович, бир тарафдан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, бундан буён матнда "Буюртмачи" деб номланувчи номидан Низом асосида иш юритувчи Директор А.Ходжаев, иккинчи тарафдан, алоҳида "Тараф" ва биргаликда "Тарафлар" деб юритилувчилар, мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмасига мувофиқ мазкур шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган асарни чоп этиш, "Буюртмачи" тайёрланган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва бажарилган пудрат ишлари учун шартномада келишилган шартларда тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

**1. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ҲАЖМИ, НАРХИ ВА ТУРИ**

2.1. "Бажарувчи" куйидаги маҳсулотни тайёрлайди:

Буюртма рақами	Асарнинг номланиши	Муқова тури	Қоғоз тури (маркаси)	Асар саҳифаси	Тиражи (дона)	Бир дона маҳсулот баҳоси, ҚҚС билан	Жами суммаси, ҚҚС билан
21-72	СОЛНОМА "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фаолияти хроникаси" (ўзбек/кирил) Код тавара: 04901001001000000	Қаттик, 7Б тиснение	Муқова бумвинил, фронтиспис 115 гр мелован, текст 70 гр офсет қоғоз	744 бет	5000	103742.19	518710950.00
21-550	СОЛНОМА "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фаолияти хроникаси" (ўзбек/лотин) Код тавара: 04901001001000000	Қаттик, 7Б тиснение	Муқова бумвинил, фронтиспис 115 гр мелован, текст 70 гр офсет қоғоз	744 бет	5000	103742.19	518710950.00
					<b>10 000</b>		<b>1 038 496 000,00</b>

Жами: 1 038 496 000, 00 (Бир миллилард ўттиз саккиз миллион тўрт юз тўқсон олти минг сўм 00 тийин) сўм ҚҚСлар билан. Шартноманинг нархи якуний ҳисобланади ва уни ўзгартириш мумкин эмас.

**2. ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3.2. "Буюртмачи" шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) куни ичида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 15 фоизини олдиндан тўлаб беради, қолган 85 фоизини маҳсулот қабул қилиб олинган кундан бошлаб, счёт-фактура асосида 15 (ўн беш) кун мобайнида тўлайди.

3.3. Олдиндан тўлов 3.2. бандда белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, пудрат ишлари тўлов кечиктирилган муддатга мутаносиб равишда узайтирилади.

3.4. Олдиндан тўловни амалга ошириш муддати 30 кунгача узайтирилиши мумкин.

**4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. "Бажарувчи" асар муаллифи(лар)нинг ва бошқа учинчи шахсларнинг олдидаги мажбуриятларга жавобгардир.

4.2. "Бажарувчи" мазкур шартномага асосан бошқа шахслар билан шартнома тузмасликни, асарнинг қўлёзмасини (оригинал макетни) бошқа шахсларга бегоналаштирмасликни қафолатлайди.

4.3. "Буюртмачи" ушбу маҳсулотдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади.



4.4. Мазкур асардан “Бажарувчи” фойдаланмайди ва “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз тасарруф этмайди. Мажбурий нусхаларни тарқатиш бундан мустасно.

4.5. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда асарни безаклар, суръатлар, чизмалар, изоҳлар, эслатмалар, эпиграфлар ва сўзбошилар билан бойитиши мумкин. Бундай келишув асарнинг назорат нусхасини “Буюртмачи” имзолаганда тасдиқланган ҳисобланади.

4.6. Нашрнинг сарлавҳаси шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган бўлиб, у ўзгартирилмайди.

4.7. Шартнома амал қилиш даврида асарга оид барча мулкӣ, номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келган тақдирда “Бажарувчи” бу ҳақида “Буюртмачи”га маълум қилиши шарт.

4.8. “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда ишнинг боришини ва сифатини текширади.

4.9. “Буюртмачи” маҳсулотни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликлар (яширин камчиликлар) ни аниқласа, маҳсулотни қабул қилиб олганидан сўнг 90 кунлик муддат ичида бу тўғрисида “Бажарувчи”га хабар қилиши мумкин. Ушбу муддат бузилган тақдирда эътирозлар қабул қилинмайди.

## **5. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИ**

5.1. 124808-лотдаги техник тафсилотлари бу Шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва “Бажарувчи” ўз вазифаларини ушбу техник тафсилотларга мувофиқ бажарилиши шарт. Шартнома шартларига мувофиқ равишда тўлов амалга оширилганидан сўнг “Бажарувчи” асарнинг оригинал макетини ва электрон файлни 124808-лотдаги техник тафсилотга асосан қабул қилиб, чоп этишни бошлайди.

5.2. Намуна нусха тайёр бўлган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида “Буюртмачи” маҳсулотни намуна нусхасини имзолаши ва ишлаб чиқариш жараёни бошланишига ўз розилигини бериши шарт. Мазкур муддатларга рӯя қилинмаган тақдирда маҳсулотни тайёрлаб бериш муддати кечиккан кунларга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.3. “Бажарувчи” маҳсулотнинг тасдиқланган оригинал макет ва электрон файлни қабул қилиб олган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида 2.1 бандда кўрсатилган босма-матбаа маҳсулотини тайёрлаб беради.

5.4. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ёки унинг вакилига факс, электрон почта, телефон алоқаси орқали хабар беради.

5.5. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Буюртмачи” хабар олган санадан бошлаб маҳсулотни 5 иш кун ичида белгиланган тартибда қабул қилиб олиши лозим.

5.6. Тайёр маҳсулотлар “Бажарувчи”нинг омиборидан “Буюртмачи”нинг шахсан ўзи ҳисоб-фактурага имзо қўйиб, фуқаролик паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат)ни тақдим этиб, тасдиқланган шартнома нусхасини кўрсатган ҳолда қабул қилиб олади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Мазкур шартнома бўйича Тарафлар зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Шартнома тарафлар конун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда шартнома шартларини бузган тараф етказилган зарарни қоплайди.

6.2. “Бажарувчи” мазкур шартномада белгиланган муддатда хизматларни кўрсатилмаса, “Буюртмачига” кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3. “Буюртмачи” тайёрлаб берган асарлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Барча эътирозлар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Тарафлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

7.1. Шартномага ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва уни бекор қилиш фақат ёзма шаклда ва тарафларнинг музокаралари билан амалга оширилади. Шартномага бир тарафлама ўзгартиришлар киритилиши, бекор қилиниши ман этилади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ҚЎШИМЧА ШАРТЛАРИ**

8.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.



8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди. Унинг нусхалари тарафларга тарқатилди.

### 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТИ.

#### Томонлар шунини маълум қиладики:

9.1. Томонлар, уларнинг боғланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг бузилишга олиб келадиган ва ёки коррупцион характерга эга бўлган, шу жумладан (чекланмаган ҳолда), пора бериш ёки пора ваъда қилиш, пора бериб сотиб олиш, товламачилик, порани тўғридан-тўғри ёки билвосита қабул қилиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига йўл қўймадилар.

9.2. Томонлар, улар билан боғлиқ (ўзаро боғлиқ) шахслар ва ходимлар бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай усулда, шу жумладан, пул маблағлари, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ушбу ходимни ёки ваколатли вакилини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантирувчи Томоннинг манфаатини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан бош тортадилар.

9.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлим қоидаларининг бузилиши содир бўлганини ва содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа Томонни бу ҳақда хабардор қилиш мажбуриятини олади, агар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги нормалари бузилганлиги тўғрисида рад этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлса, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

### 10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

“БАЖАРУВЧИ”

“Ўзбекистон” нашриёт-матбааиждодий уйи МЧЖ,



100011, Тошкент шаҳари,  
Навоий кўчаси, 30-уй  
х/р-2021 0000 1043 4735 5003  
ОПЕРУ АКБ “Капитал банк”  
МФО-00974,  
ИНН-205188294  
ОКЭД-18120. Тел: 244-34-01

